

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**“ЁШ ФОТО-КИНОҲАВАСКОР”
ТЎГАРАК ДАСТУРИ**

ТОШКЕНТ – 2012

- Муаллиф:** “Фотохаваскор” У.Холмирзаев- “Баркамол авлод” Республика болалар техник ижодиёт маркази тўғарак раҳбари
- “Кинохаваскор” У.Холмирзаев- “Баркамол авлод” Республика болалар техник ижодиёт маркази тўғарак раҳбари
- Такризчилар:** “Фотохаваскор” К.Казбулатов- Юнусобод туман “Баркамол авлод” болалар маркази тўғарак раҳбари
- Х.Примқулова- “Баркамол авлод” Республика болалар техник ижодиёт маркази услубчиси
- Г.Рахимова- “Баркамол авлод” Республика болалар техник ижодиёт маркази услубчиси
- “Кинохаваскор” Х.Ниғматжанов-Сергели туман “Баркамол авлод” болалар маркази тўғарак раҳбари
- Ш.Ғиёсов - “Баркамол авлод” Республика болалар техник ижодиёт маркази директор ўринбосари
- Н.Исломова - “Баркамол авлод” Республика болалар техник ижодиёт маркази гуруҳ раҳбари

Ушбу ўқув дастури Республика таълим маркази ҳузуридаги Маънавий-маърифий ишлар бўйича Илмий методик кенгашининг 2011 йил 31 майдаги 2-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилди.

“ЁШ ФОТО-КИНОХАВАСКОР” ТЎГАРАГИ ДАСТУРИ

КИРИШ

Юртимизда истиқлол шамоли уфуриб турибди – Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳонга танилди. Тилимиз, санъатимиз, маданиятимизга ҳурмат, эътибор ортиб бораяпти. Ана шу ютуқларимизни тарихга муҳрлаш учун фотография ва кинематографияга юзланамиз.

Бугунги воқеликни келажак авлодга етказишда фотография ва кинематографиянинг аҳамияти катта. Фотография дақиқанинг мингдан бир улуши оралиғидаги воқеликни ўзида акс эттирса, кинематография узок муддатли воқеликни ўзида мужассам этади.

Фотосурат ва кинофильмлар ёрдамида бир неча ўн йиллар илгари содир бўлган тарихий воқеалар, учрашувлар, илм-фан ютуқлари коинот ва жамиятда юз берган оламшумул воқеалар ҳақида тушунчага эга бўламиз.

Кино-фото тасвирнинг томошабинга нисбатан таъсир даражасини ошира олиш кино-фотоҳаваскорнинг фақат малакасигагина эмас, унинг фикр доирасининг кенглигига, воқеликка муносабатига, тасвирга туширишда керакли нуқталарни тез топа олишга, ўзининг маънавий етуклигига ҳам боғлиқ. Кино-фотоҳаваскорда шу жиҳатлар мужассам бўлсагина, тасвир жонли ва тарихий бўлиб қолади ҳамда эл назарига тушади.

Тўғаракнинг мақсади - ўқувчиларга қўшимча касб-хунар ўргатиш, касбий йўналиш бериш билан бирга, уларнинг бўш вақтларини тўғри, унумли ташкил этиш, болаларни замонавий фото ва кино-видео қурилмалари билан таништириш ва уларда ишлаш кўникмаларини шакллантиришдир.

Тўғаракнинг вазифаси - ўқувчиларга расмга олишнинг сирларини, кино санъатининг ривожланиш тарихини, суратга олиш босқичларини ўргатиш ва актёрлик кўникмалари, сахна усталиги, режессёрлик ва операторлик санъати, фото ва видео суратга олиш технологик жараёнларини ўргатади.

“Ёш фото-киноҳаваскор” тўғаракига 10-16 ёшли ўқувчилар қабул қилинади.

“Ёш фото-киноҳаваскор” тўғаракининг ўқув дастури икки йилга мўлжалланган.

Мазкур ўқув дастурлари Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 мартдаги 69-сонли буйруғи билан тасдиқланган Мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида қайта ишланиб такомиллаштирилди.

Ушбу тўғарак ўқув дастурларида кўрсатилган ўқув режаларга ҳудуднинг ва тўғаракларга жалб қилинган болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тўғарак раҳбарлари томонидан 25 фоизгача ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

“Ёш фото-киноҳаваскор” тўғарак аъзолари билимига қўйиладиган Давлат талаблари

Қуйидагиларни билиши керак:

бадий кино ва фото йўналишининг тарихини;
кино ва фотонинг кашф этилиш тарихини;
жаҳон кинематографиясининг ихтирочилари ҳақида билимга эга бўлишни;
дастлабки кенг экранли кино, бадий кино тарихини;
видеоаппаратура ва видеокамераларнинг турларини;
кинотасмада овоз ва тасвир акс этган воқеаларни плёнкага туширишни;
видео ва фотоаппаратлар ёрдамида ўз ғоя ва фикрларини илгари сурган ҳолда турли манзараларни тасвирга олишни;
рангли фотони юзага келишини;
сценарий ёзишни;
суратга олиш тарихи билан танишишни;
янги русумдаги фотоаппаратуралар билан танишишни;
рақамли фотоаппаратларнинг тузилишини;
суратга олиш жараёнини ўрганишни;
суратга олиш қоидаларини амалиётга тадбиқ қилишни;
техника жиҳозларини бошқаришни

Қуйидаги қўникмаларга эга бўлиши керак:

олдинги тасвирга олинган сахнани қидириш (қидирув камераси);
соф монтаж билан тасвирга олиш;
сахналарни ортидан ёритиб тасвирга олиш;
қоронғуда тасвирга олиш;
макрофункция билан тасвирга олиш;
тез ҳаракатланувчи объектларни тасвирга олиш;
тасвирга олинаётган объектни атроф ва фондан кескин ажратиш;
қоронғу сахналарни катта равшанлик билан тасвирга олиш;
изоҳлаш, қайта кўриш.

Қуйидаги малакаларни эгаллаши лозим:

фото ва видеолавҳаларни монтаж қилиш;
фильм ва сурат тайёрлаш;
хужжатли фильмлар яратиш устида ишлаш;
компьютердаги янги дастурлар орқали ишлаш; (Photoshop, Korldof)
инсон қиёфасига, табиат манзарасига, предметларнинг ташқи кўринишига, компьютер графикасидан фойдаланган ҳолда ишлов бериш;
фотоаппаратдан фойдаланиш;
ўзгарувчан ток адапторидан фойдаланиш;
вақтни қўйиш, санани қўйиш, тасвирга тушириш вақтида соат вақтини ёзиб бориш;
турли ўлчамдаги суратга олиш.

**“ЁШ КИНОҲАВАСКОР” ТўГАРАГИНИНГ БИРИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎҚУВ РЕЖАСИ**

“Ёш киноҳаваскор” тўғарагига 13-16 ёшли ўқувчилар қабул қилинади.

№	Мавзулар	Назарий соат	Амалий соат	Жами соат
1	Кириш	3	-	3
2	Дунё киноматографияси ва унинг ривожланиш тарихи	6	9	15
3	Видео камера ва унинг турлари	1	2	3
4	Портатив (ихчам) батареяли ток манбаидан фойдаланиш	3	3	6
5	Ўзгарувчан ток адаптеридан ёки автомобил учун батарея шнуридан фойдаланиш	3	3	6
6	Соатни тўғрилаш	-	3	3
7	Окуляр корректорини созлаш	-	3	3
8	Видеоискатель (Тасвир қидиргич)	-	3	3
9	Видеокамерани тозалаш	-	3	3
10	Маҳкамланувчи тасмани созлаш	-	3	3
11	Елкага осиш тасмасини улаш	-	6	6
12	Плёнка ҳисоблагич индикацияларидан фойдаланиш	-	3	3
13	On-Screen дисплей функцияларини ишлатиш	-	3	3
14	Индекс сигналлари (VISS)	3	3	6
15	Тасвирга олиш учун киноаппаратини тутиб туриш	-	3	3
16	Тасвирга олиш	2	4	6
17	Ёзиб олинган сахнани текшириш	3	3	6
18	Олдинги ёзиб олинган сахнани қидириш (қидириш камераси)	-	3	3
19	Соф монтаж билан тасвирга олиш.	1	2	3
20	Яқинлашиш-узоқлашиш функцияси билан тасвирга олиш	1	5	6
21	Қотириб қўйиш функцияси билан тасвирга олиш	-	3	3
22	Қотириб қўйиш, рақамли функция билан тасвирга олиш	3	6	9
23	Сахнани ортидан ёритиб тасвирга олиш	-	3	3
24	Қоронғида тасвирга олиш	3	3	6
25	Макрофункция билан тасвирга олиш	-	3	3
26	Сахна нутқи: 1. Нутқ техникасини эгаллаш	3	3	6
	2. Монолог	1	2	3

	3. Диалог	-	3	3
	4. Монолог ўқиш	-	3	3
	5. Диалог ўқиш	-	3	3
27	Суратга олиш жараёнининг техник услублари: 1. Суратга олиш жараёнининг техник услублари:тушунчаси ва уларни ўрганиш	-	3	3
	2. Ракурс	-	3	3
	3. Режа	-	3	3
	4. Дубляж	-	3	3
	5. Овоз бериш	-	3	3
28	Кинематографик жараёнда касб тушунчаси: 1. Режиссёрлик моҳирлиги	-	3	3
	2. Операторлик моҳирлиги	-	3	3
	3. Постановкалаш усуллари	-	3	3
	4. Оператор ишининг техник услублари	-	3	3
29	Видеоматериални компьютерда қайта ишлаш: 1. Видеосюжетларни монтаж қилиш	1	2	3
	2. Муסיқали безаш	3	3	6
	3. Титр ва видеоматериални график қайта ишлаш	-	3	3
30	Кинематографнинг жанрли хусусиятлари: 1.Турли кинематограф йўналишлари ҳақида тушунча	3	-	3
	2. Мелодрама	-	3	3
	3. Комедия	-	3	3
	4.Триллер	-	3	3
	5. Тарихий фильмлар ва ҳ.к.	-	3	3
31	Видеосюжетлар яратиш. 1. Видеороликларни саҳналаштириш	-	3	3
	2. 1,2,3 дақиқали видеороликларни саҳналаштириш ва яратиш	3	3	6
	3. Суратга олинган видеоматериал таҳлили	-	6	6
32	Видеостудияларга, кино ва театр намоишларига саёҳат 1. Саёҳат уюштириш	-	3	3
	2. Кўрилган материаллар таҳлили	-	3	3
	3. Бўлажак суратга олинадиган фильмлар учун мавзу ва материаллар танлаш	-	3	3
33	Суратга олинган видео лавҳалар танлови	-	3	3
Жами:		48	168	216

1. Кириш.

“Ёш киноҳаваскорлик” тўгараги ҳақида маълумот бериш. Тўғарак мақсад ва вазифалари. Тўғарак машғулоти жараёнида техника хавфсизлиги ҳамда санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш. Тўғаракдаги электр қурилмалари билан ишлаш эҳтиёткорлик чоралари билан таништириш. Тўғарак машғулотида ёнғин хавфсизлигига риоя этиш қоидалари. Тўғаракка қатнашда кўчада йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш асослари.

2. Дунё киноматографияси ва унинг ривожланиш тарихи.

Дунё киноматографиясининг пайдо бўлиши, тарихи ва ривожланиши. Дунё киноматографияси ривожланиши тенденцияси аспекти. Дастлабки кенг экранли кино. Дунё киносининг ҳозирги замон хусусиятлари ва жанр мавзулари.

Амалий машғулотлар: Кинофильмлар намойиши ва таҳлили.

3. Видеокамера ва унинг турлари.

Видеокамера. Ёритиш қурилмаси, монтаж столи. Видеосуратга туширишнинг технологик усуллари, режа, ракурс, кадр.

Амалий машғулотлар: Видеокамерани ишлатиш кўникмасини шакллантириш.

4. Портатив (ихчам) батареяли ток манбаидан фойдаланиш.

Ихчам батареяли ток манбаи ва ўзгарувчан ток адаптери ва уни бир-бирига улаш тартиби. Зарядлаш индексининг лампаси. Ишлаш вақти. Ўзгарувчан ток адаптери ток манбаи кабелини тармоқлаш, ўзгарувчан ток адаптерини ёқиш усули.

Амалий машғулотлар: Ихчам батареяли ток манбаи ва ўзгарувчан ток адаптерини бир-бирига улаш. Ўзгарувчан ток адаптери ток манбаи кабелини тармоқлаш, ўзгарувчан ток адаптерини ёқиш.

5. Ўзгарувчан ток адаптеридан ёки автомобил учун батарея шнуридан фойдаланиш.

Ўзгарувчан ток адаптери ҳақида маълумот. Ундан фойдаланиш усуллари. Автомобил учун батарея шнуридан фойдаланиш усули.

Амалий машғулотлар: Ўзгарувчан ток адаптеридан фойдаланиш. Доимий ток кабелини киноаппаратнинг доимий ток уяси (розетка)га улаш. Кабелнинг бошқа томонини ўзгарувчан ток адаптерининг ўзгармас ток уяси (розетка)га улаш. Ўзгарувчан ток адаптерининг асосий шнурини тармоққа улаш.

6. Соатни созлаш.

Амалий машғулотлар: Киноаппарат хотирасида сана ва вақтни сақлаш учун зарур бўлган зарядланувчи литийли батарея. Ушбу батареянинг зарядланиши. Киноаппаратни ўзгарувчан ток адаптерига улаш усули. Сана ва вақтни техник тўғирлаш.

7. Окуляр корректор (ростлагич)ини созлаш.

Амалий машғулотлар: Киноаппаратни ёқиш, окуляр ростлагич созлагичини видеоқидиргичдаги индикацияси. Окуляр ростлагични бошқариш ёрдамида окулярни созлаш.

8. Тасвир қидиргич (Видеоискатель).

Амалий машғулотлар: Видеоқидиргични тасвирга тушириш ҳолатига қўйиш, видеоқидиргични окуляр қалпоқчасини буриш, видеоқидиргичнинг бурчак қисмини буриш, видеоқидиргичда тасвирни кўриш.

9. Видеокамерани тозалаш.

Амалий машғулотлар: Видеокамеранинг окуляр қалпоқчасини бўшатиш, чангни чўтка ёрдамида кетказиш, окуляр қалпоқчасини бураб қўйиш, линзаларни фақатгина махсус чўтка билан тозалаш (фотоаппарат учун ишлатиладиган чўтка) ёки линзаларни тозалаш учун махсус салфеткалардан фойдаланиб артиш, киноаппаратни тозалаш йўллари.

10. Маҳкамланувчи тасмани созлаш.

Амалий машғулотлар: Сиқиб турувчи тасма узунлигини созлаш. Ёпишқоқ тасмани ажратиш (ечиш). Узунликни қўл ўлчамига мос қилиб созлаш. Ёпишқоқ тасмани боғлаш (ёпиштириш).

11. Елкага осиш тасмасини улаш.

Амалий машғулотлар: Елка тасмасини улаш. Елка тасмаси учини пухта маҳкамлаш. Видеокассетани киритиш.

12. Плёнка ҳисоблагич индикацияларидан фойдаланиш.

Амалий машғулотлар: Плёнка ҳисоблагич индикациялари. Вақтни сайқаллаш индикациясини дисплейда пайдо бўлиши. Вақтни сайқаллаш ҳисоблагичидан фойдаланиш.

13. ON – SCREEN дисплей функциясидан фойдаланиш.

Амалий машғулотлар: Видеоқидиргичдаги индикацияларни ўчириш. Эҳтиёткорлик индикацияси ва сигнал индикацияларидан фойдаланиш.

14. Индекс сигналлари (viss).

Индекс сигналлари VHS. Индекс Қидириш ёки Интросканерлаш функцияси. Видеокассетали магнитофонда лентани қўйиш тартиби.

Амалий машғулотлар: Индекс сигналининг автоматик тарзда ёзиш. Тасвирга тушириш. Видеокассетали магнитофонда лентани қўйиш.

15. Тасвирга олиш учун киноаппаратни тутиб туриш.

Амалий машғулотлар: Тасвирга олиш учун киноаппаратни тутиб туриш ва тасвирга олиш жараёнигатайёргарлик кўриш.

16. Тасвирга олиш.

Тасвирга олиш тартиблари.

Амалий машғулотлар: Ихчам батареяли ток манбаини қўйиш. Киноаппаратни ёқиш. Кассетани қўйиш. Тасвирга олиш.

17. Ёзиб олинган сахнани текшириш.

Ёзиб олинган сахнани текшириш йўллари.

Амалий машғулотлар: Тасвирга туширишни тўхтатиш. Видеоқидиргичда “CHK” индикациясини ёниши. Ёзиб олинган охириги сахнани текшириш.

18. Олдинги тасвирга олинган сахнани қидириш (қидирув камераси).

Амалий машғулотлар: Аввал ёзиб олинган жойни қидириш тартиблари. Олдиндан тасвирга олинган сахнани излаб топиш.

19. Соф монтаж билан тасвирга тушириш.

Аввал ёзиб олинган ва янги сахналар орасида силлиқ ўтишга имкон берувчи функция ҳақида тушунча бериш.

Амалий машғулотлар: Киноаппаратни ёқиш. Янги сахнани тасвирга тушириш.

20. Яқинлаштириш-узоқлаштириш функцияси билан тасвирга тушириш.

Яқинлаштириш-узоқлаштириш функцияси билан тасвирга тушириш йўллари.

Амалий машғулотлар: Кучли яқинлаштириш - узоқлаштиришдан фойдаланиш. Яқинлаштириш-узоқлаштириш функцияси. Синов тарзидаги яқинлаштириш-узоқлаштиришлардан фойдаланиш.

21. Қотириб қўйиш функцияси билан тасвирга тушириш.

Амалий машғулотлар: Қотириб қўйиш функциясидан фойдаланиш. Тасвирнинг қотиб қолишдан нормал қотириб қўйиш функцияси ёрдамида чиқиш. Сахнадан-сахнага силлиқ ўтиш. Тасвирнинг қора бўлиб қотиб қолиши. Сахна ёки фильмга якун ясаш.

22. Қотириб қўйиш рақамли функцияси билан ишлаш.

Тасвирнинг қорадан қотиб қолишдан, қотириб қўйишнинг рақамли функцияси ёрдамида чиқиш. Фильмдаги вақт кетма-кетлигига кирмайдиган сахналарни қўйиш.

Амалий машғулотлар: Қотириб қўйиш рақамли функцияси ёрдамида тасвирга олиш.

23. Сахналарни ортидан ёритиб тасвирга тушириш.

Амалий машғулотлар: {BLC} тугмачаси. Сахнани ортдан ёритиб тасвирга тушириш. Объектларни ортдан ёритиб тасвирга туширишда эҳтиёткорлик чоралари.

24. Қоронғида тасвирга олиш.

Юқори сезгирлик функцияси ҳақида тушунча бериш.

Амалий машғулотлар: Юқори сезгирлик функцияси. {DIGIAL} переключателини “ON” ҳолатига ўтказиш. {GAIN-UP} тугмачасини босиш. {GAIN-UP} тугмачасини қайта босиш.

25. Макрофункция билан тасвирга тушириш.

Амалий машғулотлар: Макрофункция ёрдамида жуда кичик предметларни, фотографияларни, босма материалларни ва бошқа кичик нарсаларни суратга олиш.

26. Сахна нутқи.

Нутқ техникасини эгаллаш. Монолог, диалог. Киноматографияда монолог, диалогларни ўрганиш. Классик асарларни амалий ўқиш, видеофильмни суратга тушириш режаси ва ракурсини аниқлаш.

Амалий машғулотлар: Диалоглар ўқиш. Монологлар ўқиш.

27. Суратга олиш жараёнининг техник услублари

Амалий машғулотлар: Видеосуратга тушириш. Режа, ракурс, кадрда ишлаш. Овоз бериш.

28. Киноматографик жараёнида касб тушунчаси.

Режиссёрлик, операторлик касб маҳоратлари. Саҳналаштириш усуллари. Оператор ишининг техник услублари.

29. Видеоматериални компьютерда қайта ишлаш.

Видеоматериални компьютерда қайта ишлаш тартиблари. Видеомонтаж учун ишлатиладиган дастурлар ва улар билан ишлаш тартиби.

Амалий машғулотлар: Видеомонтаж учун ишлатиладиган дастурлар билан ишлаш. Улардан амалда фойдаланиш. Видеоматериалга мусикий безак бериш, уларни танлашда ижодий ёндашиш. Титр ва видеоматериални график қайта ишлаш.

30. Киноматографикнинг жанрли хусусиятлари.

Турли киноматограф йўналишлари ҳақида тушунча бериш.

Амалий машғулотлар: Мелодрама, комедия, триллер, тарихий фильмлар таҳлили.

31. Видеосюжетлар яратиш.

Видеороликларни саҳналаштириш усули. 1, 2, 3 дақиқалик видеороликларни саҳналаштириш ва яратиш усули.

Амалий машғулотлар: 1-3 дақиқага давомийликдаги видеороликлар саҳналаштириш. Сценарий, кадрга бўлиш, суратга тушириш ва роликлар монтажи. Тасвирга олинган лавҳалар таҳлили.

32. Видео студияларга, кино ва театрларга саёҳат.

Амалий машғулотлар: Шаҳар кино-театрларида намоиш этилаётган бадиий фильмлар ва театрларга ташриф буюриш.

33. Суратга олинган видео лавҳалар танлови.

Амалий машғулотлар: Тўғарак аъзоларининг суратга олган видеоматериалларини томоша қилиш. Таҳлил қилиш ва баҳолаш.

“ЁШ КИНОҲАВАСКОР” ТЎГАРАГИНИНГ ИККИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЎҚУВ РЕЖАСИ

№	Мавзулар	Назарий соат	Амалий соат	Жами соат
1	Кириш	3		3
2	Ўзбекистон киноматографияси ва унинг ривожланиш тарихи			
	1. Ўзбек киноматографиясининг пайдо бўлиши	3	3	6
	2. Ўзбек киноматографиясининг ривожланиши	3	6	9
	3. Ҳозирги замон ўзбек киноматографияси	3	9	12
3	Драматик рол тушунчаси:			
	1. Актёрлик кўникмалари ва саҳна моҳирлиги асослари	3	6	9
	2. Киноматографияда диалог тушунчалари	3	6	9
	3. Киноматографияда монолог тушунчалари	3	6	9
4	Режиссёрлик, актёрлик маҳорати ва операторлик санъати кўникмаларини амалда ўрганиш.			

	1. Режиссёрлик санъати кўникмалари	1	8	9
	2. Операторлик санъати кўникмалари	1	8	9
	3.Қисқа метражли бадий видеороликни сценарийлаш	1	8	9
	4. Қисқа метражли бадий видеороликларни суратга олиш	3	3	6
	5. Актёрлик маҳорати кўникмаларини ўрганиш.	3	3	6
5	Суратга тушириш жараёнининг технологик усуллари:			
	1. Видеосюжетларни монтаж қилиш ва овоз бериш бўйича амалий машғулотлар	3	3	6
	2. Операторлик ва актёрлик маҳорати, профессионал кўникмаларини амалда қўллаш	3	3	6
6	Видеосюжетларни суратга олиш:			
	1.Ўқув фильмларини яратиш	3	6	9
	2.Шаҳар ҳаётдан сюжетлар суратга тушириш	3	3	6
	3. Эркин мавзудаги видеосюжетларни суратга олиш:	3	6	9
	А) болалар ҳаёти	3	6	9
	Б) мусобақалар жараёни	3	3	6
	В) маросим сахналари	3	3	6
7	Ҳозирги замон киноматографиясининг жанр хусусиятлари			
	1. Турли жанр хусусиятларини ўрганиш.	3	3	6
	2. Ҳозирги замон киноматографиясининг жанр хусусиятларини ўрганиш.	3	6	9
	3. Компьютер анимацияси билан танишиш	3	6	9
8	Видеоформатлар турлари ва суратга олиш жараёнининг технологик томонлари.	3	3	6
	1.Видеоформатлар турлари	3	3	6
	2.Суратга олиш жараёнининг технологик томонлари.	3	3	6
	3.Киноматографиядаги ҳозирги замон тенденцияларнинг техник тавсифлари	-	6	6
9	Видеостудияларга, кино ва театр намоишларига саёҳат.			
	1. Кўрилган материаллар таҳлили	-	3	3
	2. Бўлажак суратга олинган фильмлар учун мавзу ва материалларни танлаш.	-	6	6
10	Якуний машғулот.Суратга олинган видеофильмлар танлови.	-	6	6
	Жами	72	144	216

1. Кириш.

Мустақиллик мавзусида суҳбат. Тўғарақдаги электр қурилмалари билан ишлаш эҳтиёткорлик чоралари билан таништириш. Машғулотлар жараёнида техник хавфсизлик ва санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш.

2. Ўзбекистон киноматографияси ва унинг ривожланиш тарихи.

Ўзбекистон киноматографиясининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши билан танишиш. Ўзбекистон киноматография арбоблари ижодини ўрганиш.

Амалий машғулотлар: Ўзбеккинофильмлари намойиши ва уларнинг таҳлили.

3. Драматик рол тушунчаси.

Актёрлик кўникмалари тушунчаси. Монолог ва диалог тушунчаси. Нуқт техникаси асосларини ўрганиш.

Амалий машғулотлар: Актёрлик маҳорати машғулоти. Монолог ва диалог ўқиш.

4. Режиссёрлик, актёрлик маҳорати ва операторлик санъати.

Режиссёрлик, актёрлик маҳорати ва операторлик санъати. Киноматографик жараёнда касб тушунчаси. Видеофильмларни саҳналаштириш, суратга олиш ва бадиий хусусиятлари.

Амалий машғулотлар: Суратга олиш жараёнини ташкил этиш. Унда қатнашадиган ҳар бир мутахассиснинг касбий хусусиятларини ўрганиш. Режиссура, операторлик ва актёрлик моҳирлигини ўрганиш. Касбнинг асосий мезонлари, кўникмалари, хусусиятлари ҳамда касбий талаблари. Қисқа метражли бадиий видеороликни сценарийлаш ва суратга олиш.

5. Суратга тушириш жараёнларининг технологик усуллари.

Суратга тушириш жараёнларининг технологик усуллари. Видеоматериалларни монтаж, дубляж қилиш, унга овоз бериш. Видеоматериални қайта ишлаш учун фойдаланадиган компьютер дастурлари.

Амалий машғулотлар: Видеосюжетларни монтаж қилиш ва овоз бериш бўйича амалий машғулотлар. Операторлик ва актёрлик маҳорати, профессионал кўникмаларини амалда қўллаш

6. Видеосюжетларни суратга олиш.

Видеосюжетларни суратга олиш усуллари. Ўқув фильмларини яратиш усули. Шаҳар ҳаётидан сюжетлар суратга тушириш усули. Эркин мавзудаги видеосюжетларни суратга олиш усули. Болалар ҳаёти, маросим саҳналари мусобақа жараёни.

Амалий машғулотлар: Фильмлар яратиш ҳамда сценарий яратилишидан фильмни тўла қайта ишлашгача бўлган жараён. Турли мавзулардаги топшириқлар бўйича видеофильмлар яратиш. Видеосюжетларни суратга олиш. Ўқув фильмларини яратиш. Шаҳар ҳаётидан сюжетлар суратга тушириш. Эркин мавзудаги видеосюжетларни суратга олиш. Болалар ҳаёти, маросим саҳналари мусобақа жараёни.

7. Ҳозирги замон киноматографиясининг жанр хусусиятлари.

Киноматограф жанрлари ҳақида тушунча. Компьютер анимацияси билан танишиш.

Амалий машғулотлар. Уларнинг ўзига хос хусусияларини ўрганиш, жанр персонажлари характер ва образлари. Турли киноматография йўналишлари ҳақида тушунча: драма, трагедия, мелодрама, комедия, триллер, тарихий ва мусикали фильмлар. Кинодаги ҳозирги замон жанрларини ўрганиш. Анимация ва мультипликация.

8. Видеоформатлар турлари ва суратга олиш жараёнининг технологик томонлари.

Кино ва видеотехникадаги ҳозирги замон техник тенденцияларнинг тавсифлари. Видеоформатлар турлари.

Амалий машғулотлар: Кинодаги ҳозирги замон технологиясининг имкониятлари. Рақамли технологиялар ва 3D анимация.

9. Видеостудияларга, кино ва театр намоишларига саёҳат.

Амалий машғулотлар: Шаҳар кино-театрларида намоиш этилаётган бадий фильмлар ва театр намоишларига иштирок этиш. Қўрилган материаллар тахлили.

10. Якуний машғулот.

Тўғарак аъзоларининг суратга олган видеофильмлари, сахна кўринишларини томоша қилиш, баҳолаш.

“ЁШ ФОТОХАВАСКОР” ТЎГАРАГИНИНГ БИРИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ РЕЖАСИ

№	Мавзулар	Назарий соат	Амалий соат	Жами
1	Кириш	3	-	3
2	Фотографиянинг фан ва техникада ишлатилиши	3	-	3
3	Фотоаппарат қисмлари	4	14	18
4	Фотоҳаваскорлар учун керак бўладиган ашёлар ва уларнинг ишлатилиши	6	9	15
5	Фотоматериаллар ва уларнинг хусусиятлари	3	15	18
6	Фототасмалар	3	-	3
7	Фотокимёвий эритмалар	4	14	18
8	Суратни ишлаш технологияси	4	8	12
9	Кадр танлаш	4	8	12
10	Еруғлик ва ёритиш усуллари	3	9	12
11	Видержка ҳақида умумий тушунча	4	11	15
12	Объективлар	3	9	12
13	Негатив. Позитив	3	6	9
14	Негатив архив жамлаш	3	3	6
15	Суратга олиш тажрибаси	-	6	6
16	Равшанлик	-	9	9
17	Фотокатталаштиргич (фотоувеличитель)	3	6	9
18	Кичик форматдаги камералар	3	15	18
19	Очиқ ҳавода суратга олиш	3	15	18
Жами:		59	157	216

1. Кириш.

Кириш. “Ёш фотоҳаваскорлик” тўгараги ҳақида маълумот бериш. Тўгаракнинг мақсад ва вазифалари. Фотографиянинг тарихи. Техника ҳавфсизлиги қоидалари. Суратни ишлашда кимёвий моддалар билан ишлаш жараёнида техник ҳавфсизлик ҳамда санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш. Тўгаракдаги электр қурилмалари билан ишлашда эҳтиёткорлик чоралари билан таништириш.

2. Фотографиянинг фан ва техникада ишлатилиши.

Фотографиянинг бугунги кундаги аҳамияти. Фотография тарихидаги кашфиётлар. Фотографиянинг фан ва техникада ишлатилиши.

3. Фотоаппарат қисмлари.

Фотоаппарат ҳақида маълумот бериш. Унинг қисмлари.

Амалий машғулотлар:

Фотообъектив турларини ажратиш. Фотоаппаратнинг затвор қисмларидан ва Равшанликка тўғрилаш механизмларидан фойдаланиш.

4. Фотоҳаваскорлар учун керак бўладиган ашёлар ва уларни тузилиши ҳамда ишлатилиши.

Фотоҳаваскорлар учун керак бўладиган ашёлар ва уларни тузилиши ҳамда ишлатилиши тартиби. Штатив ва унинг турлари. Объектив ва унинг турлари. Штатив тузилиши.

Амалий машғулотлар: Яқинлаштирувчи ҳалқалар. Ёруғ тўсгич ёки блинда. Вақт кўрсатгич ёки реле. Фотобачок. Электр қуритгич. Фотокатталаштиргичлардан фойдаланиш.

5. Фотоматериаллар ва уларнинг хусусиятлари.

Фотоматериаллар ҳақида тушунча бериш. Фотоматериалларнинг хусусиятлари.

Амалий машғулотлар: Фототасмалар, Фотопластинкалар, Фотоқоғозлардан фойдаланиш.

6. Фототасмалар.

Фототасмалар тушунчаси. Энсиз фототасмалар. Энли фототасмалар.

7. Фотокимёвий эритмалар.

Фотокимёвий эритмалар ва уларнинг вазифалари.

Амалий машғулотлар: Проявитель. Фиксаж. Фотони ишлаш жараёнида фотокимёвий эритмалардан фойдаланиш.

8. Сурат ишлаш технологияси.

Сурат ишлаш технологияси.

Амалий машғулотлар: Фотолаборатория. Фотокатталаштиргич. Сурат ишлаш.

9. Кадр танлаш.

Кадр танлаш. Кадр танлаш йўллари.

Амалий машғулотлар: Объект танлаш. Суратга олиш учун энг яхши нуқтани топиш. Ёритиш. Кадр танлаш.

10. Ёруғлик ва ёритиш усуллари.

Ёруғлик. Ёритиш усуллари билан таништириш.

Амалий машғулотлар: Сунъий ёруғлик. Ёруғлик сезгирлиги кам. Ёруғлик сезгирлиги ўрта. Ёруғлик сезгирлиги юқори.

11. Тўхтатиш (Видержка) ҳақида.

Видержка омиллари. Оригиналнинг ёруғлик акс эттириш қобилятига боғлиқлиги. Ёруғлик манбаининг равшанлигига боғлиқлиги. Уларнинг асл нусхагача бўлган масофага боғлиқлиги. Обьективнинг ишлаш тешигига боғлиқлиги. Негатив материалнинг умумий ва спектрал сезгирлигига боғлиқлиги.

Амалий машғулотлар: Оригиналнинг ёруғлик акс эттириши. Фотони ишлаш жараёнида ёруғлик манбаининг равшанлигига қараб тўхтатиш.

12. Обьективлар.

Обьективлар ҳақида маълумот бериш.

Амалий машғулотлар: Нормал обьектив. Қамров бурчаги кенг обьективлар. Узун фокусли.

13. Негатив. Позитив.

Негатив ва позитивлар.

Амалий машғулотлар: Контакт усули билан нусха кўчириш. Катталаштириш ёки проекцион йўл билан нусха кўчириш.

14. Негатив архив жамлаш.

Негатив архив жамлаш йўллари.

Амалий машғулотлар: Ўралган ҳолда сақлаш. Конвертга 5-6 та қилиб сақлаш. Контакт усулида нусха кўчириб сақлаш.

15. Суратга олиш тажрибаси.

Суратга олишда тажрибанинг ўрни.

Амалий машғулотлар: Кадр танлаш. Равшан тасвири ҳосил қилиш. Экспонирование (сурат олишнинг ўзи).

16. Равшанлик.

Амалий машғулотлар: Хира ойна. Метр шкаласи. Оптик далномерлар билан ишлаш.

17. Фотокатталаштиргич (фотоувеличител).

Фотокатталаштиргич (фотоувеличител) ҳақида маълумот бериш. Фотокатталаштиргич (фотоувеличител) қисмлари.

Амалий машғулотлар: Фотоларни турли хли ўлчамда фотокатталаштиргич (фотоувеличител) орқали катталаштириш ишларини бажариш.

18. Кичик форматли камералар.

Кичик форматли камералар ҳақида маълумот. Уларнинг турлари.

Амалий машғулотлар: Қути типдаги камералар. Суриладиган обьективли бир компактли камералар. Конуссимон ёки квадратсимон камералар билан ишлаш.

19. Очиқ ҳавода сурат олиш.

Очиқ ҳавода аб-ҳавога қараб суратга олиш йўллари.

Амалий машғулотлар: Эрталаб тонг сахар ёки кечқурун суратга олиш. Ҳаво булут пайтида суратга олиш. Уй ёки дарахт сояларида суратга олиш.

“ЁШ ФОТОХАВАСКОР” ТЎГАРАГИНИНГ ИККИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ РЕЖАСИ

№	Мавзу	Назарий соат	Амалий соат	Жами соат
1.	Кириш	3	-	3
2.	Техника ҳавфсизлиги ва санитария-гигиена қоидалари	3	-	3
3.	Суратга олиш ва унга керакли ашёлар	3	12	15
4.	Фотокомпозиция	6	18	24
5	Маънавият ва маърифат соатлари	3	-	3
6	Манзара	3	21	24
7	Портрет	3	24	27
8	Натюрморт	3	24	27
9	Спорт	3	21	24
10	Негатив	3	18	21
11	Позитив	3	12	15
12	Репродукция	3	12	15
13	Рангли репродукция	3	12	15
Жами		39	177	216

1. Кириш.

Тўгаракнинг мақсад ва вазифалари. Болаларни йил давомида ўтиладиган ўқув материаллари билан таништириш ва тушунтириш. Фотографияни ўрганишдан мақсад. Фотография тарихи.

2. Техника ҳавфсизлиги қоидалари

Суратни ишлашда ва олишда ҳавфсизлик қоидалари. Тўгаракдаги электр қурилмалари билан ишлашда эҳтиёткорлик чоралари билан таништириш. Техник ҳавфсизлик ва санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш.

3. Суратга олиш ва унга керакли ашёлар.

Штатив ва унинг турлари. Объектив ва унинг турлари.

Амалий машғулотлар. Фотоаппарат, унинг турлари, фотоаппарат харид қилинганда, эътибор қаратиладиган нарсалар.

4. Фотокомпозиция.

Амалий машғулотлар. Фотокомпозиция ва унинг асослари. Ёруғлик аҳамияти, кадр композицияси. Суратга олиш нуктаси, кадр ёруғлиги.

5. Маънавият ва маърифат соати.

Ўқувчиларга касб-хунар ўргатиш билан бирга, маънавий-маърифий ҳамда маънавият соҳасидаги давлат сиёсати, Президент асарлари, ҳукуматнинг қонун ва фармонлари билан таништириб бориш. Турли оммавий тадбирлар ўтказиш.

6. Манзара.

Манзарини фотога олиш усуллари.

Амалий машғулотлар. Расмга олишда кадр кенглиги ва сояларни тўғри танлаш. Светофилтрлар, уларнинг турлари ва уларни тўғри танлаш. Манзара

композицияси, ёруғликка қарши сурат олиш, табиат манзараларини танлаш: қиш, баҳор, ёз, кузги манзаралар.

7. Портрет.

Портретга тасвир олиш усули.

Амалий машғулотлар. Портрет тушунчаси, портрет, якка портрет, гуруҳ портрети. Портрет яратишда ёритилиш: очиқ ҳавода сурат олиш, хонада сурат олиш, модел вазияти, маскалар.

8. Натюрморт, фон.

Натюрморт, фонни тасвирга олиш.

Амалий машғулотлар. Композиция, фон; натюрморт тузиш; равшанлик чуқурлиги, узок масофадан сурат олиш, яқин масофадан расм олиш.

9. Спорт

Спорт мавзусидаги фотосуратлар олиш усули.

Амалий машғулотлар. Очиқ майдон, ёпиқ майдонда расм олиш, якка мусобақа, гуруҳ мусобақалари.

10. Негатив.

Негатив мавзусидаги фотосуратлар олиш усули.

Амалий машғулотлар. Негатив ҳақида маълумот, майда донали тасвир, негатив танлаш, химиявий эритмалар, реактивлар, ўчириш технологияси, негатив сақлаш.

11. Позитив.

Позитив тасвир тушунчаси.

Амалий машғулотлар. Қоғоз танлаш, кадровка, пардозлаш, ретуш асбоби, позитив ретуши, суратни ишлаш.

12. Репродукция.

Репродукция тушунчаси.

Амалий машғулотлар. Репродукция турлари: оқ-кора репродукция; рангли репродукция, рамка, репродукция ашёлари.

13. Рангли репродукция.

Рангли репродукция тушунчаси.

Амалий машғулотлар. Рангли позитив, фотофильтрлар, негатив қайта ишлаш.

Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
2. Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 март “Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 69-сонли буйруғи.
3. Н.Панфилов “Бошланғич кино ҳаваскорлар йўлдоши”, Москва 1964 йил.
4. Г.Соболев “Кино-санъат”, Киев 1975 йил.
5. С.И.Ильичев, Б.Н.Нащекен “Кино ҳаваскорлик ва ютуқлар”. Москва 1986 йил.
6. Ю.И.Журба “Суратга олишда график жараёнлар ва материаллар бўйича луғат”, Москва 1990 йил.
7. Ш.Шарипов “Фотоҳаваскорлар учун қўлланма”, Тошкент-2001 йил.
8. В.Ксендзов “Суратни болалар олади”. Фрунзе 1985 йил

Электрон манбалар:

“Ziyonet”.uz

www.Foto.uz

www.Kino.uz

Barkamol.uz

